O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 21-yanvar • Payshanba • 9 (30.129) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Сайлов сабоқлари

Сайловчи энг эзгу ғоялар учун овоз берди

деб либераллар жуда тўғри таъкидлашмоқда. Ҳақиқатдан ҳам...

Ўтган 2009 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюрган 270 дан ортиқ халқаро кузатувчи, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари сайловлар миллий сайлов қонунчилигимиз, умумэътироф этилган халқаро стандартлар, демократик тамойиллар асосида ўтганини эътироф этишмоқда. Шунингдек, мазкур сайловлар сиёсий партиялар ўртасида ҳар доимгидан кўра кучли рақобат шароитида ўтгани алоҳида таъкидланмоқда.

Сайловда ҳар бир сиёсий партия фаолиятига, депутатликка номзодга ўзига хос баҳо берилди. Бугун партиялар ҳам, номзодлар ҳам бундан тегишли хулоса чиқариб олаяпти.

Сиёсат майдонида ҳар бир партия ўзига муносиб ўрин эгаллаш, кўпроқ овоз олиш учун курашиши табиий ҳол. Бундай пайтда айрим партиялар жуда жозибадор, одамларни ўзига ром этадиган ғояларни илгари суриши мумкин. Ислоҳотлар тақдирига жавобгарман, деб аниқ ҳаётий дастур ўрнига қуруқ ҳайқириқлар билан чиқиши, баландпарвоз баёнотлар бериши мумкин. Бироқ бугун одамлар сиёсий кучнинг ваъдаларини эшитиб эмас, балки амалий ишларини кўриб унга баҳо беради.

2-бет >>

Газ таъминоти яхшиланди

Ўтган йили тумандаги Юқори Бўз, Дўнг, Қайрағоч, Оқбўйра, Мирзаобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида 15 километр газ қувурлари, Мирзаобод-Оқбўйра йўналишидаги узунлиги 4 километр ер ости газ қувури янгиланган эди.

2010 йилда Файзиобод, Конди, Янгисор маҳаллаларидаги ер ости газ қувурини таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Шунингдек, Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини Неъматобод маҳалласи, Кужган қишлоқ фуқаролар йиғини Чек маҳалласи, Мустаҳкам қишлоқ фуқаролар йиғини Хонақа маҳалласи ва Қадим кўчаларида аҳолининг газ таъминоти яхшиланди.

«Водийгазтаъминоти» унитар корхонаси Асака тумани филиали аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Суратларда: *«Водийгазтаъминоти» унитар корхонаси Асака тумани филиали «Тўхтаназар» маҳалла фуқаролар йиғинидаги газ тақсимлаш шохобчаси чилангари Тўхтасин Абдуллаев; туман филиалига қарашли газ тақсимлаш шохобчасида оператор Носиржон Холматов ва туман газ филиали техника хавфсизлиги муҳандиси Аъзамхўжа Камолов газ тақсимлаш меъёри ҳақида суҳбатлашмоқда.*

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Таълим ва ислоҳот

Таълим тизими ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омили ҳисобланади. Айнан мана шу тамойил буюк мақсадлар йўлида изланиш ва меҳнат қилишга қодир, жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган шахсларни тарбиялайди.

Баркамол авлод — тараққиёт таянчи

Юртимизнинг таълим соҳаси тарихи ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Бобокалонларимиз таълимга оид инсон ақл-заковатининг беқиёс намуналарини яратиб, жаҳон цивилизациясининг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Мамлакатимизда кейинги йилларда таълим тизими умумжаҳон талаблари доирасида ривожлантирилиб, унинг қадим илдизларини, анъана ва қадриятларини сақлаб қолишгагина эмас, балки уларни янада такомиллаштиришга муваффақ бўлинди. Юртимиздаги узлуксиз таълим тизими тараққиётини хорижлик экспертлар таҳлил қилиб, Ўзбекистонни ўзининг мустақил миллий моделини ишлаб чиққан ва жорий қилган давлат сифатида эътироф этишмоқда.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда миллий таълим соҳаси тобора интеграциялашиб, ҳамкорликни йўлга қўя бориб, миллий ва умуминсоний масалаларни ҳал қилмоқда, халқимиз ва инсоният олдида турган ёки юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ечимини топмоқда. Мамлакатимиз таълим тизими хавфсизлигимизни таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга ёт ғоялар ва мафкураларни танқидий баҳолаш ва зарурат тақозо этса, уларга зарба беришга қодир ижтимоий фаол шахсни шакллантириш, йигит-қизларимизда фуқаролик туйғусини, Она юрт тақдири учун масъулият ҳиссини тарбиялаш орқали эришилмоқда. Бугун бутун дунёда, жумладан, ўзимизда ҳам таълим халқнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши, инсон цивилизацияси йўлида давлатлараро, миллатлараро, конфессиялараро мулоқотнинг, турли маданиятлар ўртасидаги ҳамкорликнинг таъсирчан механизмига, омилига айланди.

Тизимлилик, кенг қамровлилик таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим хусусиятидир. 2010 йилнинг юртимизда «Баркамол авлод йили» деб номланиши, ушбу долзарб ва ўта муҳим масалага яна бир бор эътибор қаратилиши биздан таълим соҳасида эришилган асосий натижаларни таҳлил қилиб ва олдимизда турган долзарб вазифаларимизни яна бир бор танқидий кўриб чиқишимизни талаб этади.

Аввало шуни айтиш лозимки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган яхлит, узвий ва узлуксиз таълим тизимини шакллантириш вазифалари бажарилди. Унинг ташкил этилиши ва мазмунида миллий, маданий-тарихий ва маънавий-ахлоқий мерос, халқимизнинг удумлари, маданият, фан, техника, технология соҳасида мамлакатимиз ва хорижда эришилган ютуқлар, шунингдек, давлат, жамият ва шахснинг истиқболдаги эҳтиёжлари ўз ифодасини топди.



2-бет >>

Адлия вазирлиги ташаббуси билан пойтахтдаги 2-республика тиббиёт коллежида «Баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзуида семинар ўтказилди. Унда Адлия вазирлиги ходимлари, шаҳардаги нотариал идоралар ва ФҲДЁ раҳбарлари, коллеж ва академик лицей ўқувчилари иштирок этди.

Келажак пойдевори

Тадбирда таъкидлаганидек, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг асосий ва устувор йўналишларидан биридир. Ёшларни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар жамиятнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, зукко ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тадбир давомида ёшларга Болалар ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқий асослар тўғрисида вазирликнинг тажрибали мутахассислари томонидан тушунчалар берилиб, бўлажак тиббиёт ходимларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берилди.

Шунингдек, шаҳар адлия бошқармаси томонидан Баркамол авлод йили давомида бундай тадбирларни бошқа ўқув даргоҳларида ҳам мунтазам ўтказиш режалаштирилганлиги таъкидланди. Тадбирда фаол иштирок этган талаба ёшлар вазирликнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хуршид НЕЪМАТОВ, «Туркистон-пресс»

Спорт

Курашимиз довруғи

Суратда: *тантанадан лавҳа.*
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Кураш — халқимизнинг қадимий спорт тури бўлиб, у уч ярим минг йилдан зиёд тарихга эга. Кураш миллатимиз маданий ва тарихий меросининг ажралмас қисмидир.

Мустақилликдан сўнг Президент Ислом Каримовнинг бевосита қўллаб-қувватлаши асосида кураш жаҳон аренасида янги халқаро спорт тури сифатида ривожлана бошлади. 1998 йили Тошкентда Европа, Осиё ва Жанубий Американинг 28 та мамлакати вакиллари иштирокида Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилди. Бугунги кунда у ўзбек қадриятини дунёда улуғлаётган ягона халқаро спорт ташкилотидир.

1999 йилда «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди.

Халқаро кураш ассоциациясининг ўтган 12 йиллик фаолияти давомида дунёнинг 5 қитъаси 117 та мамлакатида кураш федерациялари ташкил этилди ва айни чоғда самарали иш олиб бораётир. Осиё, Африка, Европа, Океания ва пан-Америка минтақавий федерациялари фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида анъанавий тарзда жаҳон миқёсида ХКА Конгресслари ўтказилиб, уларда курашни дунё бўйлаб ривожлантириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди.

Тошкент, Термиз, Шаҳрисабз, Анталия, Будапешт, Ереван, Улан-Батор, Тверь шаҳарлари, Доминик Республикаси, Европа, Америка, Осиё, Африка ва Океаниянинг турли мамлакатларида катталар, ёшлар ва фахрийлар ўртасида ўндан зиёд жаҳон чемпионатлари ташкил этилди. Сайёрамизнинг барча минтақаларида икки юз элликдан ошиқ халқаро турнирлар, мусобақалар ва семинарлар ўтказилди.

Халқаро кураш ассоциацияси фаолиятининг бош мақсади — курашни ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритишдир. Ўз миллий спорт турининг Олимпия мақомига эга бўлиши ҳар бир мамлакат учун юксак ифтихор ва обрў саналади.

Ўтган 2009 йил кураш тарихида муҳим воқеалар бўлди. Якка кураш турлари бўйича I Осиё ўйинлари (Таиланд) ва Ёпиқ иншоотларда ўтказилган III Осиё ўйинлари (Вьетнам)да кураш бўйича расман медаллар учун беллашувлар ўтказилди. Шунингдек, Украина, Греция ва Жанубий Африка Республикаси турли чемпионат ҳамда нуфузли турнирларга мезбонлик қилди.

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида Халқаро кураш ассоциациясининг йил якунларига бағишланган тантанали маросими бўлиб ўтди. Унда дунё миқёсида кураш бўйича қайд этилган эътиборли натижалар ва воқеалар яна бир бор тилга олинди. 2009 йилнинг энг яхши федерациялари, курашчилари, ҳакамлари, журналистлари номлари эътироф этилди. Жумладан, Грециядa ўтказилган Ислом Каримов V халқаро турнири — «Йилнинг энг яхши турнири», Таиланд ва Вьетнам кураш федерациялари — «Йилнинг энг яхши федерациялари», Жанубий Африка Республикаси вакили Хенриет Моллер хоним — «Йилнинг энг яхши ҳаками», эронлик Мустафо Далириён — «Йилнинг энг яхши курашчиси», мўғулистонлик Лхагваху Очирпурев эса «Йилнинг энг яхши аёл курашчиси» номинациялар бўйича ғолиб, деб топилдилар. Эътиборлиси, кўп карра Ўзбекистон чемпиони, жаҳон чемпионати олтин медали совриндори Шерали Жўраев «Йилнинг энг яхши техникаси учун» совринига сазовор бўлди.

Эркин ҲОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2 МЕҲР БУЛОҒИ



3 АГАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАСА...



4 УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАГИ ҲАЁСИЗЛИКЛАР

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Сайловчи энг эзгу ғоялар учун овоз берди

деб либераллар жуда тўғри таъкидлашмоқда. Ҳақиқатдан ҳам...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси гарчи Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сон жиҳатдан иккинчи ўринда турадиган фракция тузиш имконига эга бўлган бўлса-да, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловида энг кўп овозга бизнинг партиямиз эришди.

Шу ўринда савол туғилади: Нима сабабдан Ўзбекистон ХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг катта фракцияни тузиш имконини берадиган депутатлик ўринларини қўлга кирита олмади? Бу борада мутахассислар турли фикрларни билдиришмоқда. Бизнингча, партия сайловга ҳар доимгидан кўра пухта тайёргарлик кўрди. Аммо, назаримизда, сайлов натижаларига кўп нарсалар, омиллар таъсир этди. Масалан, мажоритар сайлов тизимида депутатлик ўринларини эгаллаш учун кўрсатилган номзодларнинг ўзларига ҳам кўп нарса боғлиқ экани тажрибадан маълум. Сайлов кампанияси бошланган чоғда ўтказилган маниторинг натижалари номзодларимизнинг сайловчилар билан учрашувлари юқори савияда ўтаётганини, улар одамлар ишончини қозонаётганини кўрсатганди. Аммо, сайлов кампанияси пайтида айрим номзодларимиз негадир ўз номзодини қайтариб олишди. Бизнинг кузатувларимиз, тахминларимизга кўра, уларда дадиллик етишмади.

Тўғри, номзодини қайтариб олиш уларнинг ҳуқуқи, нима сабабдан бу қарорга келгани шахсий иши, албатта. Бироқ, сиёсий партия номидан майдонга чиққан, онгли равишда курашга кирган, нафақат ўзи, балки партиянинг ҳам обрўэътибори учун ҳаракат қилаётган одам охирига қадар курашни давом эттириши зарур эмасми?

Шу каби ҳолатлар ҳисобига ХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан энг кўп ўрин ололмаган бўлиши мумкин.

Ўтган 2004 йилги сайловда ҳам, яқинда якунланган сайловда ҳам Сирдарё, Жиззах вилоятларидан бирорта ҳам ХДП номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлана олмади. Бу ушбу вилоятларда одамлар ХДПга ишонмаяпти, деган хулосани чиқаришга асос бўлмайди. Балки номзодлар танлашда хатолик бўлгандир, айрим номзодларда сиёсий курраш тажрибаси етишмагандир. Ахир сайловчилар ХДПдан вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига кўрсатилган номзодларнинг кўпчилигини қўллаб-қувватладилар-ку.

Аммо, «XXI asr» газетасида яқинда босилган бир мақолада эса «Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда ҳам O`zLiDePнинг қўли баланд келгани...» эътироф этилди. Тўғриси, бу даъвога унчалик ажабланганимиз йўқ. Чунки бундай гапларни айтиш, мақтанишга мойиллик либералларга хос одатлигини яхши биламиз.

Мисол учун, Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида жами 22 нафар маҳаллий Кенгаш депутатининг 12 нафари, Дўстлик туманида 24 нафардан 13 нафари, Жиззах туманида 30 нафардан 15 нафари ЎзХДП кўрсатган номзодлар орасидан сайланди. Жиззах шаҳар, Бахмал, Арнасой туман Кенгашларида нисбий кўпчиликка эга бўлдик. Мазкур вилоятдаги шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган жами 332 нафар депутатнинг 126 нафари ХДП, 92 нафари ЛиДеП вакилларидир.

Ёки Сирдарё вилояти бўйича айрим рақамларга эътибор қаратайлик. Халқ депутатлари Ховос туман Кенгашининг жами 30 нафар депутатидан 24 нафари, Сайхунобод туман Кенгашининг жами 30 нафар депутатидан 18 нафари, Янгиер шаҳар Кенгашининг жами 25 нафар депутатидан 17 нафари, Мирзаобод туман Кенгашининг жами 30 нафар депутатидан 15 нафари Ўзбекистон ХДП кўрсатган номзодлар орасидан сайланди. Вилоятдаги туман ва шаҳар Кенгашларига жами 320 нафар депутат сайланган бўлса, уларнинг 145 нафари ХДП, 107 нафари ЛиДеП вакилларидир.

Бундай мисолларни мамлакатимизнинг кўплаб минтақаларидан ҳам келтириш мумкин. Умуман олганда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан тортиб туман, шаҳар Кенгашларига қадар — давлат ҳокимиятининг барча даражадаги вакиллик органларига ХДПдан 2600 нафардан ортиқ, ЛиДеПдан эса 2100 нафарга яқин депутат сайланди. Бу рақамлар ХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг катта фракцияни туза олмагани билан, умумий ҳисобда сайловда энг кўп овоз олганини кўрсатади.

Аммо, «XXI asr» газетасида яқинда босилган бир мақолада эса «Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда ҳам O`zLiDePнинг қўли баланд келгани...» эътироф этилди. Тўғриси, бу даъвога унчалик ажабланганимиз йўқ. Чунки бундай гапларни айтиш, мақтанишга мойиллик либералларга хос одатлигини яхши биламиз.

Бу ўринда либераллар ўзларини ҳам, сайловчиларни ҳам чалғитмасликлари учун бир масалага ойдинлик киритиб ўтмоқчимиз. Сайлов арафасида газетамизда «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган сўров натижалари эълон қилинган эди. Унда респондентларнинг 27,3 фоизи ХДП, 18,9 фоизи O`zLiDeP номзодларига овоз беришини билдиргани айтилган эди. «XXI asr» газетасидаги мақолада эса мана, «Ижтимоий фикр» маркази башорати ўзини оқламади, биз сайловда ғолиб чиқдик, қабилидаги хулоса айтилди.

Биринчидан, сўровда сайловчилар фикри ўрганилган ва натижаси эълон қилинган. Бу башорат эмас, жамоатчилик фикри холос. Қолаверса, либераллар айтаётганидек сўров натижалари ҳақиқатдан йироқ бўлиб чиққани йўқ. Сайловчиларнинг кўпчилиги ростдан ҳам ХДП номзодлари учун овоз берди.

ЛиДеП нашрида эълон қилинган хабарлардан бирида либерал партиянинг Тошкент вилоят кенгаши раиси Омонулла Исломовнинг сўзлари келтирилган. У киши «Амалий ишларимиз туфайлигина сайловларда муваффақиятга эришдик» дея таъкидлайди. Аммо у халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши сайловида ЛиДеП ютқазиб қўйгани, ҳатто нисбий кўпчиликка ҳам эриша олмаганини ёдидан чиқарганга ўхшайди.

ЎзЛиДеП фаоллари сайловда муваффақиятга эришдик, дейишдан олдин сайловнинг бутун натижаларини обдон таҳлил этиб, кейин фикр юритса, тўғри бўлар эди.

«XXI asr»даги мақолада «ХДП бизнинг ғоялар энг эзгу ғоялар, сайловчилар бизга овоз беради, деган ишонч билан курашга киришган эди. Натижа эса бошқача бўлди. Биз сайловда ғолиб чиқдик» деган даъвони илгари сурди.

Бундан кўринадики, либераллар сайлов деганда фақат Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловни тушунишмоқда. Биз эса маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам юксак мақомга эга, деб ҳисоблаймиз. Лекин либераллар бир масалада жуда ҳақ. Ҳақиқатдан ҳам сайловчи энг эзгу ғоялар учун овоз берди. Шунинг учун ҳам ХДП номзодлари барча даражадаги вакиллик органларида умумий ҳисобда кўпчиликни ташкил этмоқда.

Беҳзод ШУКУРОВ

Баркамол авлод — тараққиёт таянчи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз ва унинг минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, демографик хусусиятлари ҳисобга олинган таълим муассасаларининг яхлит тармоғи шакллантирилди. Узлуксиз таълим тизимида ихтиёрий-мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда олий таълимнинг икки босқичли тури жорий этилди. Шу ўринда алоҳида ғурур билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида бошқа давлатлардан фарқли равишда, ўз фуқароларига 12 йиллик бепул таълим бериш кафолатланди.

Миллий модель компонентлари ва параметрлари, узлуксиз таълим тизимининг амал қилиши учун зарур норматив ҳуқуқий база яратилди. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашуви учун ҳуқуқий шароитлар барпо этилди, давлат ва жамиятнинг тайёрланаётган кадрларнинг сони ва сифатига бўлган эҳтиёжларини шакллантириш механизмлари жорий этилди.

Миллий дастурни ривожлантириш йўлида 300 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Уларга 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълимининг моддий-техник базасини ривожлантириш дастурини, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги кўпгина ҳужжатларни мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга таълим сифатини кўтариш борасидаги фаолиятимизни янада такомиллаштириш, таълим турлари ва таълим дастурлари ўртасидаги ўзаро узвийлик ва узлуксизликка эришиш масалаларини оқилона ҳал этилишини таъминлаш лозим. Биз таълим тизимини янада самаралироқ, мақсадли ҳамда манфаатли (иқтисодий, илмий, ахборот технологиялари ва бошқа йўналишларда) фаолият кўрсатишини таъминловчи ҳуқуқий имкониятларини бундан кейин ҳам кенгайтиришимиз ва такомиллаштиришимиз зарур.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва бошқаришнинг тузилмавий ҳамда функционал ислоҳоти амалга оширилди: зарур бошқарув тузилмалари ва хизматлари, таълимни ривожлантиришга кўмаклашувчи ташкилотлар ва фондлар ташкил этилди. Улар — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Кадрлар тайёрлаш сифати устидан назорат қилиш, таълим муассасалари ва педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш бошқармасига эга бўлган Давлат тест маркази, ўқувчиларнинг касб йўналиши ва психологик-педагогик ташхис маркази, «Истеъдод» фонди ва бошқа ташкилотлар.

Миллий моделда ифодаланган узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат ва жамоат институтларидан иборат компонентларнинг ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолияти таъминланди. Узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш борасида — давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари ишлаб чиқилди ҳамда амалга жорий этилди. Шундай қилиб, ислоҳот йилларида Миллий моделнинг асосий мақсади — «Бутун ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили рўёбга чиқарилди.

Миллий мустақиллик ғояси негизида ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва услублари ишлаб чиқилиб, амалга жорий қилинди. Миллий модель ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастури миллий ғоянинг таркибий қисми, уни рўёбга чиқаришнинг муҳим омили ва механизмидир.

Баркамол авлодни вояга етказишда, узлуксиз таълим босқичларида узвийликни, тарбия жараёнини янада мустаҳкамлаш мақсадида ёшларнинг спорт ҳаракати шакллантирилди. Ҳар бир таълим турида мувофиқ равишда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Мазкур жараёнга республикамизнинг барча ҳудудларидан ёшларни ва айниқса қизларимизни жалб этишга эришилди.

Ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълим тизимини самарали ишлаши ва барқарор ривожланишининг бош ислоҳотчиси бўлган давлат мазкур тизимнинг моддий-техникавий, молиявий ва ахборот базасини мутлақо янги даражасини таъминламоқда. Бу таълимнинг талаб этилаётган даражаси ва сифатига эришиш имконини бермоқда.

Ислоҳот йилларида таълим тизимини, хусусан, таълим муассасаларини молиялаш механизмлари такомиллаштирилди. Уларнинг мустақиллиги ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги жавобгарлиги оширилди. Давлат бюджетидан таълим учун ажратилаётган харажатлар йил сайин ортиб бориши таъминланди ва ҳозирги кунда ҳам (халқаро кўрсаткичларга таққосланганда) жуда юқори даражада қолмоқда. Мисол тариқасида, фақат 2003-2009 йилларда таълим харажатлари (капитал қурилиш харажатларини ҳисобга олганда) ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизигача кўпайди. Давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроқ қисми бевосита таълим-тарбия ҳамда тиббиёт тизимига қаратилган.

Таълим тизими муассасаларини юқори малакали педагоглар билан таъминлаш, педагогик фаолиятининг нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш мутлақо янги талаблар бўйича амалга оширилмоқда. Педагогик кадрлар мониторинги, уларни аттестациядан ўтказиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг уйғун тизими вужудга келтирилди. Таълим тизимини малакали ўқитувчи-педагоглар билан таъминлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини тўлақонли ҳал қилиш мақсадида 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб педагог-ўқитувчилар учун ишга ҳақ тўлаш янги тизими жорий этилди.

Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ишларининг кўлами кенгайди. Олий аттестация комиссияси томонидан олимлар тайёрлашнинг мутлақо янги йўналишларини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди: касб-ҳунар таълим назарияси ва услубиёти, тарбия назарияси ва услубиёти, таълимни ташкил этиш ва бошқариш каби янги мутахассисликлар бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар очилди. Умуман олганда, жаҳон ҳамжамияти нисбатан қисқа вақт ичида таълим соҳасида бундай кенг қамровли ислоҳотлар ўтказилишининг бошқа намунасини билмайди. Зеро, қисқа даврда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимининг мутлақо янги модели шакллантирилди ва унинг амал қилиши учун норматив-ҳуқуқий база, ташкилий-бошқарув, амалий-услубий шарт-шароитлар яратилди. Бунга мамлакатимиз раҳбариятининг доимий ғамхўрлиги, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришда давлат ва жамиятнинг фаоллиги туфайли эришилди.

Ўзбекистоннинг буюк истиқболи, аввало, давлат ва жамиятнинг улғайиб келаётган ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлигида намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, буюк келажагимизнинг замини, таълим тизимида — кадрлар тайёрлашдаги устуворликда, барпо этилаётган мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, спорт иншоотлари, уларга мазмун жиҳатдан янги тус берилиши ва албатта, эртасига ишонч билан камол топаётган ёшларимиздадир.

Президентимиз таъкидлагандай, **халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.** Биз ана шу энг муқаддас мақсад йўлида юртимизда баркамол авлод тарбиялашнинг асосий бўғини ҳисобланган таълим ислоҳотларини янада жадаллаштиришимиз керак бўлади.

Шавкат ҚУРБОНОВ,
профессор.

ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

Инсонийлик ҳеч маҳал завол топмайди, ерда қолмайди, унут бўлмайди. Одамларни яхшиликка, эзгуликка даъват этади. Урганчдаги вилоят Гўдаклар уйида бўлган чоғимиз бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Самимий ташаккур ва миннатдорчиликка йўғрилган дил изҳорларини эшитдик.

Меҳр булоғи

Людмила ДЗУГАЕВА, муассаса раҳбари:

— Даргоҳимизда 254 нафар уч ёшгача бўлган болалар тарбия кўрмоқда. Улар орасида туғма ногирон фарзандлар ҳам бор. Турли сабабларга кўра ота-она меҳридан бебаҳра болалар тарбиясини давлатимиз ўз зиммасига олган. Бундан ташқари, орамизда қалби дарё инсонлар ҳам жуда кўп. Меҳнат фахрийси Бекберган Ботиров ана шундай меҳр-оқибатли юртдошларимиздан бири. У ўзининг кейинги хайрия сафарига қизи — Халқ демократик партиясининг Урганч шаҳар кенгаши раиси Санобар Ботирова билан биргаликда келди. Навбатдаги нафақасини муассаса тарбияланувчиларига беминнат ҳадя этди. Хайрия тадбирига партия фаолининг бош қўшгани ХДПнинг вилоят кегаши томонидан қўллаб-қувватланди, янги ташаббусга қанот бўлди. Партиянинг вилоят кенгаши раиси Раимберган Собуров, Ўзбекистон Қаҳрамони Эгамберган Каримов, шаҳардаги «Юқорибоғ» ва «Умид» маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Й.Эгамберганов, Й.Қутимов ва бошқалар тарбияланувчиларга турли ўйинчоқлар, кийим-кечак, спорт жиҳозлари ва болалар аравачаларини тортиқ қилишди.

Айтилган дил сўзларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, эзгулик-эзгуликка йўл очади. Унинг пойқадамидан дил ва кўнгил яйрайди, жамиятда аҳиллик, жипслик, куч-қудрат ва тараққиёт булоқлари кўз очади. Ҳа, эзгулик бетимсол куч-қудрат манбаи.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист.

Қонун ва шарҳ

Терговолди муддатлар такомили

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2009 йил 20 августда қабул қилинган, Олий Мажлис Сенатининг 2009 йил 4 декабрдаги йигирманчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган қонунлардан бири бўлиб, 2009 йил 21 декабрда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура, ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати идоралари тизимидаги суриштирув ва тергов органлари томонидан судга қадар иш юритиш босқичида жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноятлар тўғрисида аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни ҳал этиш билан боғлиқ жиноят-процессуал кодексидаги муддатларга аниқлик киритишдан иборат.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилингунга қадар ЖПКнинг 329-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, агар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши белгиланган эди.

Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан боғлиқ амалиётда тўпланган тажриба ЖПКнинг 329-моддасини янги мазмун билан тўлдиришни тақозо этди.

Бош прокуратура томонидан мазкур масала юзасидан амалга оширилган таҳлиллар натижасида 2008 йил давомида прокуратура ва ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилган 115 мингта жиноятга оид аризалар, хабарлар ёки бошқа маълумотлардан 5,4 мингтаси (4,8 %) қонун билан белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда ҳал қилинганлиги аниқланган. Терговолди текширувида муддатларнинг бузилишига кўп ҳажмли, масалан, ҳодиса жойини кўздан кечириш, узоқ ҳудудларда яшайдиган шахслардан тушунтириш олиш, комплекс ва комиссион экспертизалар, ҳужжатли тафтиш ўтказиш ҳолатлари сабаб бўлаётганлигини айтиб ўтиш мумкин. Айтайлик, аксарият ҳолларда, материаллар юзасидан бир ойлик муддатни талаб қиладиган суд экспертизалари (гистология, биохимия текширувлари) ўтказишга тўғри келган.

Қолаверса, терговолди текширув муддатининг қисқалиги ҳамда ЖПКда муддатни узайтиришнинг қонуний механизми йўқлиги жиноятга оид ариза ва хабарлар бўйича асоссиз ва барвақт қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлаётган эди. Амалиётдаги жиноятга оид ариза, хабарлар ёки бошқа маълумотларни муддатида ҳал этмаслик билан боғлиқ қонунбузарликларнинг олдини олиш учун ЖПК 329-моддасининг янги таҳрирда баён этилиши масаланинг ечимини топишдаги оқилона ва мақбул йўл ҳисобланади.

ЖПКнинг 329-моддасини янги таҳрирда қабул қилиш билан жиноятга оид аризалар, хабарларни ёки маълумотларни кўриб чиқишнинг уч кунлик муддатидан воз кечилди. Бундан буён жиноятга оид ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар дарҳол, ўн кунлик муддатда ёки алоҳида ҳолларда прокурор томонидан бир ойгача узайтирилади.

Қонун билан янги таҳрирда баён этилган ЖПКнинг 329-моддаси янги учинчи қисм билан тўлдирилиб, унга кўра суриштирув ёки тергов амалиётида алоҳида ҳолларда, яъни терговга қадар текширув муддати қўйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра, прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Бундай тажриба қатор давлатлар, жумладан, Россия Федерацияси, Белорус Республикасининг ЖПКда кузатилади.

Айтиш мумкинки, мазкур қонуннинг қабул қилинганлиги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишдаги яна бир муҳим масаланинг ечимини топишга кўмаклашади. Шу билан бирга, терговолди босқичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Шунингдек, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органларидаги мансабдор шахслар томонидан жиноят процессида қонунийлик принципига қатъий риоя этилишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар номзоди.

Хорижда

Агар қўллаб - қувватласа

ва президентликка сайланса...

Президентликка номзод Украина бош вазири Юлия Тимошенко 17 январь куни бўлиб ўтган президент сайловининг биринчи турида учинчи ўринни олган Сергей Тигипкога жиддий таклиф билан чиқишни режалаб турибди.

«Дело» газетаси чоп этган ахборотга кўра, агар сайловнинг иккинчи турида Тигипко ва унинг тарафдорлари Тимошенко номзодини қўллаб-қувватласа, у президентликка сайлангач, Тигипкога бош вазирлик лавозимини ҳамда ҳукуматни шакллантириш учун 50 фоизлик квота беришини маълум қилди.

«Юлия Тимошенко блоки» депутати С. Соболевнинг айтишича, Украина Миллий банкининг собиқ раҳбари Сергей Тигипко ва яна бир номзод Олий Раданинг собиқ спикери, Арсений Яценюк билан музокара олиб бориш учун ҳаракат бошланган.

Аммо С. Тигипко иккинчи тур сайловларига чиққан номзодларнинг бирортасини қўллаб-қувватлаш нияти йўқлигини билдирди.

Иккинчи тур сайлови 7 февралда ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз: 17 январь куни Украинада бўлиб ўтган президент сайловида «Регионлар партияси» етакчиси Виктор Янукович 35,36 фоиз, амалдаги бош вазир Юлия Тимошенко 25,05 фоиз, собиқ банкир Сергей Тигипко 13,05 фоиз, собиқ спикер Арсений Яценюк 6,95 фоиз, республика пезиденти Виктор Юшченко 5,45 фоиз овоз олди.

Сайловчиларнинг 2,2 фоизи 18 нафар номзоднинг бирортасини қўллаб-қувватламади.

Қуёшга қараб айланувчи

монумент бузилади



Жорий йилнинг мартида Ашхобод марказидаги 63 метрли улкан монумент, яъни тилла суви юритилган, қуёшга қараб айланувчи Туркманистоннинг собиқ президенти Сапармурод Ниёзовнинг 12 метрли ҳайкали ва уни кўтариб турган 51 метрли арка қисмларга ажратилиб, бузилади.

Республика президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов бу ҳакда қарор қабул қилди, дейилади «Хроника Туркманистана» хабарида.

Ушбу монумент 1998 йили С. Ниёзов бошқаруви пайтида қурилган. Унга махсус механизм ўрнатилгани боис қуёш йўналишига қараб автоматик равишда айланади.

2005 йилдан буён

қашшоқлик даражаси ўзгаришсиз қолмоқда

«Eurostat»нинг расмий маълумотларида қайд этилишича, Европа Иттифоқига аъзо 27 та давлатда қашшоқлик даражаси 2005 йилдан бери ўзгаришсиз қолмоқда. Яъни, Европа Иттифоқига аъзо давлатлардаги 500 миллионга яқин аҳолининг 18 фоизи ҳануз қашшоқлик чегарасида кун кечирмоқда. Аҳолининг 10 фоизи қиш мавсумида, яъни ҳозир турар-жойини иситиш учун етарли маблағга эга эмас.

Қашшоқлик даражаси юқорилиги жиҳатдан Латвия биринчи ўринда — аҳолисининг 26 фоизи қашшоқлик чегарасида яшаётганлиги расмий тан олинди. Бу кўрсаткич Руминияда — 23, Болгарияда — 21, Греция, Испания ва Литвада — 20, Дания, Венгрия, Австрия, Словения ва Швецияда — 12, Нидерландия ва Словакияда — 11, Чехияда — 9 фоизни ташкил этади.

Европа Иттифоқининг амалдаги меъёрларига кўра, унга аъзо давлатлардаги ўртача иш ҳақининг 60 фоизидан кам даромад олувчилар қашшоқлик чегарасида яшовчи аҳоли ҳисобланади.

Россияда бу кўрсаткич 13,1 фоиз (аҳолининг 18,5 миллиони)ни ташкил этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Латвия иқтисодиёти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан энг кўп зарар кўрди. Европа Иттифоқи талабларига мос ҳолда бюджетдаги камомадни қисқартириш учун Латвия ҳукумати пенсия ва маошлар миқдорини камайтиришга мажбур бўлди.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги «OLMAZOR SAVDO BIZNES» масъулияти чекланган жамияти Устав жамғармасини 10.000.000 сўмдан 300.000 сўмга камайтирилганлигини эълон қилади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги «Evroasia Agro» масъулияти чекланган жамияти (гувоҳнома рақами №004498, ИНН 301030319, ОКОНХ 81100) ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тел: (+99897) 464-17-77.

«Маданий моллар» Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторасы маъмурияти жамоаси собиқ савдо вазири

Ғафур Ғиёсович ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Молия муассасаларида

Хабарингиз бор, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносибликнинг ортиши дунё давлатлари иқтисодиётига сезиларли даражада зарар келтирди. Бу жараён аксарият ривожланган давлатларда айни чоғда ҳам давом этмоқда. Президентимиз томонидан олдиндан ўйланган ва амалга оширилган одилона сиёсат жаҳон молиявий бўҳронининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш ва юмшатиш имконини берди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида банк тизимини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикамиз банк тизими 2009 йилда ҳам ижобий натижаларга эришди.

Банкка ишонч ортмоқда

Буни биргина Ўзбекистон Республикаси Халқ банки мисолида кўрадиган бўлсак, инқирозга қарши ишлаб чиқилган дастурда белгиланган йўналишлар асосида иш юритилмоқда ва бу ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Банкнинг асосий вазифаси миллий валютамиз қадрсизланишига йўл қўймаслик билан бир қаторда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик ва хусусий бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишдир. Бу орқали ресурс базасини мустаҳкамлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими самарадорлигини ошириш, мижозлар учун янги банк хизматларини таклиф қилиш банк фаолиятининг устувор тамойилига айланиб бормоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2008 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабига кўра амалга оширилган самарали тадбирлар натижасида банкнинг жами капитали йил бошига нисбатан 40,7 миллиард сўмга ёки 135,1 фоизга ортиб, 156,7 миллиард сўмни ташкил этди. Жами активлар 381,3 миллиард сўмга ёки 72,1 фоизга ортиб 910,1 миллиард сўмга етказилди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида одамларнинг шахсий ташаббускорлиги, топқирлиги-ю зукколигига таянган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёсдир. Халқ банки мутахассислари айнан шу жиҳатларга катта эътибор қаратдилар ва ютуқларнинг асосий омили ҳам худди шу ўринда кўзга ташланмоқда. Натижада ўтган йили ажратилган кредитлар 444,1 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 150,2 миллиард сўми инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг ижроси Халқ банки имкониятларини янада кенгайтирди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига банк кредит портфели ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 барварга ортиб, 419,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шу маблағнинг асосий қисми, яъни 353,4 миллиард сўми узоқ муддатли кредитлардир.

Бугунги кунда банк кредитлари эвазига ўз фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйган, ишлаб чиқаришни кенгайтирган ва хориждан энг замонавий техника ва технологияларни келтириб ўрнатаётган тадбиркорлар сони кун сайин кўпайиб бораяпти. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб бойиб бораётган, ўзига ишончли ҳамкор сифатида Халқ банкини танлаган ишбилармонлар учун банк томонидан қўшимча қулайлик ва хизмат турлари ҳам яратилмоқда.

Ўтган йил Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланди ва бу ҳақда махсус давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастур ижроси самараси ўлароқ, юртимиз қишлоқларида катта ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бу хайрли ва улкан бунёдкорлик ишларидан Халқ банки жамоаси ҳам четда тургани йўқ. Банк томонидан бевосита қишлоқ хўжалиги тизимини молиялаштиришга 102,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Сир эмас, бозор муносабатлари ривожланиб боргани сайин аёллар ўртасида ҳам тадбиркорликка мойиллик кучайиб бораяпти. Халқ банки томонидан бундай ғайратли ва шижоатли аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Чунончи улар учун 20,8 миллиард сўмлик бизнес-лойиҳалар молиялаштирилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқда яшаётган кишилар учун катта имкониятлар эшигини очиб бергани ҳеч кимга сир эмас. Чорва боқишга иштиёқи ва шароити бор 12640 нафар фуқарога мазкур қарорга кўра Халқ банки томонидан 11,9 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди. Юқорида баён этилган кенг кўламли ишлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларига берилган кредитлар ва уларнинг мақсадли йўналтирилгани боис кейинги бир йил ичида 117 минг 386 та янги иш ўринлари яратилди. Бу шунча оилага қут-барака, тотувлик кириб келди, деганидир. Натижада минглаб кишилар янги корхоналарга ишга жойлашди, банк маблағи эвазига бунёд этилган цехларда қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Бунинг нақадар муҳимлигини банкнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган тадбиркорларнинг ўзлари ҳам эътироф этишмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра 5222 нафар оилага 25,5 миллиард сўмлик ипотека ва микрокредитлар ажратилди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, истеъмол кредитлари ажратилишидаги устуворлик ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишга қаратилди.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Банк нуфузи унинг маблағлари қайси соҳаларга жойлаштирилишига ҳам бевосита боғлиқ. Йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мамлакат иқтисодиётининг янада мустаҳкамланишига, пировардида ишлаб чиқариш тармоқларининг янада кенгайишига хизмат қилгани сингари худди шу тармоқни молиялаш учун зарур бўлган маблағни берган муассасага ҳам катта манфаат келтиради. Худди шу маънода Халқ банки томонидан Президентимизнинг 2008 йил 2 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори, 2008 йил 18 ва 28 ноябрдаги фармонлари талабларига кўра мазкур ҳужжатларда назарда тутилган манзилли инвестицион лойиҳалар ўз вақтида молиялаштирилди. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинатига 37 миллиард сўм берилди(лойиҳанинг умумий қиймати 46,2 миллиард сўм).

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг «Янгиер — Жиззах йўналишида икки йўлли ва Янгиер — Фарҳод йўналишида бир йўлли электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш», «Тўқимачи — Ангрен темир йўл участкасини электрлаштириш» объектлари қурилишига банк ўз маблағлари ҳисобидан 3 миллиард сўм ажратди. Яна шу компаниянинг иккита лойиҳасига: «Мароканд — Қарши — Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон йўл участкаларини электрлаштириш» лойиҳасига жамғариб бориладиган пенсия таъминоти маблағлари ҳисобидан 1,5 миллиард сўм, «Қуюв-механика заводи» ҳаракатдаги таркибининг созлаш базасини ривожлантириш» объектида қурилиш ишлари айланма маблағини тўлдириш учун 1 миллиард сўм ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 6 июлдаги 1161- қарори ижросини таъминлаш ва «Олмалиқ тоғ -кон металлургия комбинати» ОАЖнинг «Хандиза кони полиметалл рудаларини қайта ишлаш» инвестицион лойиҳасини молиялаштириш мақсадида мазкур корхонага хизмат кўрсатувчи банк «Ипотека банк» билан 43,5 миллиард сўмлик (2009-2010 йилларда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади) шартнома имзоланди. Мазкур лойиҳага бугунгача 3 миллиард сўм берилди.

Айни чоғда яна бир истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. «Ўзавтосаноатлизинг» лизинг компаниясига Наманган шаҳрида йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида «СамАвто»да ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиб олиш учун 1,95 миллиард сўмлик кредит линияси очилди. Буларнинг бари банк ходимларининг фаоллиги билан тез ва сифатли амалга оширилаётгани, кредит маблағларининг ўз вақтида қайтарилиши қатъий назоратга олингани боис бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

БАНК ОМОНАТЛАРИ ОРҚАЛИ МИЖОЗЛАРГА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

Банкнинг асосий мақсадларидан бири, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиб банк ресурс базасини янада мустаҳкамлаб, аҳоли ва жисмоний шахсларни бўш пул маблағларини банкнинг муддатли ва жамғарилувчи омонатларига жалб қилишдир. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида 2009 йил давомида банк жисмоний шахслар депозит ҳисоб рақамлари орқали 1,3 триллион сўм маблағлар миқдорида айланганлиги юртдошларимизнинг банкга бўлган ишончини янада орттирди. 2010 йил жисмоний шахсларнинг омонат қолдиклари 197,8 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 178,5 фоизга кўпайган.

Шунингдек, аҳоли талаб ва таклифларини депозит бозоридаги кредит ресурсларига бўлаётган эҳтиёжни ҳамда мижозларни муддатли ва жамғарилувчи омонат турларига бўлган қизиқишларига алоҳида аҳамият қаратилиб янги «Кўклам», «Миришкор деҳқон», «Болажон келажаги», «Водий ниҳоли», «Камолот сари», «Қиш зийнати» каби турли ном ва йўналишдаги янги 26 та омонат турлари жорий этилди, уларга аҳолининг 144,4 миллиард сўмдан ортиқ бўш пул маблағлари жалб этилди. Аҳамиятли жиҳати омонат турларини жорий этишда депозитлар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини ҳар ойда ёки омонат очилган кунда нақд пулда, шунингдек, ҳисобварақ очилган куннинг ўзида фойдаланилган коммунал тўловлар учун олдиндан нақд пулсиз ўтказиб бериш каби имкониятларни йўлга қўйилиши бу ўз-ўзидан банкга ишонч билдирган омонатчилар сонини тобора ортиб боришига замин яратди. Бу омонатларнинг аксарияти ютуқли бўлиб, эътиборли жиҳати юртимизда кенг нишонланадиган байрам саналарига бағишлаб ютуқли омонатларни жорий этиш банкда анъана тусига айланган. Ўтган 2009 йил мобайнида ана шундай байрамлар арафасида жорий этилган «Навбаҳор», «Байрам туҳфаси», «Янги йил» ютуқли омонатларига 3 миллиард сўмга яқин аҳоли маблағлари жалб қилинди. Ўтган йил давомида банк жамоаси томонидан бу борада яна бир савобли ишга қўл урилди, яъни пенсия ва нафақа олувчи юртдошларимизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ижтимоий рағбат» ютуқли омонат тури ҳам жорий этилди.

Бундан ташқари, ўтган йили жорий этилган «Соврин плюс», «Олтин куз», «Пахтакор-2» омонатлари ҳам юртдошларимизни бефарқ қолдирмади, улардаги ютуқлар жамғармаси пул ютуқлари билан биргаликда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлардан ташкил топган бўлиб, банк мижозлари мазкур омонат орқали нақд пул, кир ювиш машинаси, электр дазмол каби қатор уй-рўзғор буюмларини ютиб олишди. Шунингдек, аҳолининг ютуқли омонатларга бўлган қизиқишини инобатга олиб жорий этилган «Саёҳат» ютуқли омонати бўйича юртдошларимиз ўтказилган тиражларда Италия, Туркия, Франция, Чехия каби хорижий давлатларга ҳамда юртимизнинг кўҳна ва навқирон масканларидан Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига сайёҳлик йўлланмаларини қўлга киритишди. Айтиш керакки, банкнинг бу йўналишдаги ишлари юқори савияда ривожланиб бормоқда. Ўтган йилнинг тўртинчи чорагида банк томонидан 50 миллиард сўмлик юридик шахслар учун депозит сертификатлар чиқарилди ва шунинг 13,1 миллиард сўми бугунгача ўз эгаларини топди. Банк ресурс базаси ўтган бир йил ичида 42,5 миллиард сўмга кўпайиб, жами 855 миллиард сўмни ташкил этди. Йил давомида фуқароларга 26 та турли омонат турлари таклиф этилди ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам узлуксиз амалга оширилди. Бундан ташқари, миллий валютамиз сўмнинг қадр-қиммати, тўлов қобилиятини оширишда пластик карточкалардан унумли фойдаланиш ва терминаллар сонини кўпайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳам қўл келаяпти. Илгари пластик карточкага шубҳа билан қараган кишилар бугун бу усулда пулни олиб юришнинг афзаллигини амалда кўришаяпти. Терминалларнинг кўпайиб бораётгани ҳам одамларга қулайлик туғдирмоқда. Рақамларга мурожаат қилайлик. Жорий йилининг 1 январь ҳолатига режадаги 350 минг ўрнига 370 минг 700 дона пластик карточкалар эмиссия қилинди. Ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги пластик карточкалар сони 105,8 мингтага етди. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жойларда 7235 та, шу жумладан, 383 та банк муассасаларида, 6852 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида терминаллар ўрнатилди.

Бевосита ҳукумат қўллаб-қувватлаши ва банк бошқаруви томонидан амалга оширилган ишлар натижасида банкнинг жами капитали беш йил ичида қарийб 157 миллиард сўмга кўпайтирилиб, 2005 йилга нисбатан 10 бараварга ортган. Бу албатта, Халқ банки молиявий имкониятларининг янада кенгайиши, унинг нафақат мижозлар олдидаги нуфузининг янада ортишига олиб келди, балки мамлакат банк тизимидаги ўз ўрни ва салоҳиятининг ошишига ҳам омил бўлди. Банкнинг жами активлари 910 миллиард сўмга орттирилиб, 12,7 бараварга кўпайган. Бундан ташқари, банк раҳбарияти мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли ва мижозлар учун қатор қулайликлар яратиш, уларга хизмат сифатини янада ошириш мақсадида мини банк ва махсус кассалар сонини кўпайтирди. Ўтган давр мобайнида мини банклар сони 265 тага, махсус кассалар сони эса 3116 тага кўпайтирилган. Бир сўз билан айтганда, банк жамоасининг беш йил давомида амалга оширган қатор мақсадли тадбирлари натижасида банкнинг кредит қўйилмалари 2005 йилга нисбатан 27 бараварга, жамғарилувчи депозитлари 20,5 бараварга, аҳолининг банкдаги маблағлари 10,5 бараварга ортган. Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, юртошларимиз турмуш фаравонлигини оширишга хизмат қилиш каби бир қанча хайрли тадбирлар билан бир қаторда банк жамоаси ўз маблағларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Пировардида ўтган беш йил давомида банкнинг ўз ресурслари 15,3 бараварга ортган. Шунинг ўзи ҳам Халқ банки халқимизнинг ишончли ва оилавий банкига айланиб бораётганлигини кўрсатади.

Маълумки, нақд пулнинг банк орқали айланиши миллий валютамиз, сўмнинг қадрсизланишига жиддий тўсиқ бўлади. Шу боис Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан нақд пулнинг банкдан ташқари айланишига қарши жиддий чоралар кўрилмоқда. Бу ҳақда бир қатор Фармон ва қарорлар эълон қилинганки, уларнинг ижросини таъминлашга Халқ банки жамоаси томонидан катта эътибор берилаяпти. Доимий нақд пул тушумига эга бўлган чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хўжалик субъектларида савдо қоидаларига амал қилиш, нақд пулни назорат-касса машиналари орқали қабул қилиш ва пулнинг тўлиқ банкка топширилишини қатъий назоратга олиш, сўнг ушбу маблағларни ижтимоий ҳамда барча бошқа турдаги тўловларни амалга оширишга йўналтириш борасида етарлича чоралар кўрилди. Банкнинг ҳар бир ходими бу масалаларга жиддий масъулият билан муносабатда бўлмоқда. Натижада ўтган йил банк кассаларига 2 триллион 52 миллиард 400 миллион сўм, шу жумладан, 1 триллион 59 миллиард 200 миллион сўм савдо тушуми, 172 миллиард сўмлик коммунал тўловлар кирим қилинди. Бу олдинги йилга нисбатан 591,6 миллиард сўмга кўп демакдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, банк томонидан мутахассислар малакасини узлуксиз ошириб бориш, энг сўнгги банк янгиликлари ва иш юритиш тамойилларини ўрганиш, мақбулларини банк ва унинг филиалларида жорий этиш ютуқлар гарови бўлаётгани ҳам сир эмас.

Мухтасар айтганда, Халқ банки тизимида ҳар бир ходим, ҳар бир мутахассис ўз ишини сидқидилдан адо этишга интилмоқда. Улар жорий йилда ҳам банк имконият ва салоҳиятини юқори кўтаришга астойдил бел боғлашган. Буларнинг барчаси шубҳасиз Халқ банки нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ ⇘ СПОРТ

Футбол бўйича Москвада ўтказилаётган анъанавий халқаро турнир баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди.

Бош соврин кимга насиб этаркин?!

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Бунёдкор» (Тошкент) жамоаси «Д» гуруҳининг охирги турида Литва чемпиони — «Экранас» футболчиларига қарши майдонга тушди. Ҳужумкор руҳда кечган мазкур ўйинда жамоалар муроса йўлини танлашди — 2:2. Унда Баҳодир Насимов «дубль» муаллифи бўлди. Гуруҳнинг иккинчи учрашувида «Дачия» (Молдова) вакиллари «Пюник» (Арманистон) жамоаси дарвозасига жавобсиз олтита тўп йўллашди.

Қуръага кўра, кеча кечқурун ўтказилган чорак финал баҳсларида қуйидаги жамоалар майдонга тушдилар: «Актобе» (Қозоғистон) — «Днепр» (Белоруссия), «Динамо» (Украина) — «Экранас»- (Литва), «Рубин» (Россия) — ХИК (Финляндия), **«Бунёдкор» (Ўзбекистон) — МТТУ (Туркманистон) — 1:1 (пен. бўйича-2:4).**

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари номи 24 январь куни аниқланади.

(Ўз мухбиримиз)

«Д» гуруҳи якуний жадвали

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Бунёдкор»	3	2	1	0	6-4	7
2. «Экранас»	3	1	2	0	4-2	5
3. «Дачия»	3	1	1	1	6-2	4
4. «Пюник»	3	0	0	3	3-11	0

Тошкент жамоалари

Ўзбекистон XIX миллий чемпионати баҳсларини бошлаб беради

Ўзбекистон футбол федерацияси қарорига кўра, бу йилги мамлакат чемпионати олий лигасида ўн тўртта жамоа иштирок этади. Янги мавсумнинг қуръа натижасига назар ташлаб, бу йилги баҳслар дастлабки турданоқ шиддатли бошланишини тахмин қилиш қийин эмас. Чунки илк турда Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» жамоаси ўз майдонида мамлакат кубоги соҳиби — «Пахтакор» футболчиларини қабул қилади.

Мазкур турнинг яна бир қизиқарли учрашуви ҳам Тошкентда ўтказилади. Унда пойтахт темирйўлчилари Фарғонанинг «Нефтчи» вакилларига қарши майдонга тушадилар. Воҳа «дерби»си номини олган «Насаф» — «Шўртан» жамоалари баҳси ҳам худди шу турдан жой олган.

Хуллас, 13-14 март кунлар ўтиши белгиланган биринчи турда қуйидаги жамоалар ўзаро рўбарў келишади:

«Локомотив» *(Тошкент)* — ***«Нефтчи»*** *(Фарғона)*
«Насаф» *(Қарши)* — ***«Шўртан»*** *(Ғузор)*
«Қизилқум» *(Зарафшон)* — ***«Металлург»*** *(Бекобод)*
«Бунёдкор» *(Тошкент)* — ***«Пахтакор»*** *(Тошкент)*
«Динамо» *(Самарқанд)* — ***«Хоразм»*** *(Урганч)*
«Навбаҳор» *(Наманган)* — ***«Машъал»*** *(Муборак)*
«Андижон» *(Андижон)* — ***«Олмалиқ»*** *(Олмалиқ)*

— Табиат ва инсон —

Бухоро жайронлари

яна 24 минг гектарга кенгаядиган махсус экомарказда бехавотир яшайди



Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Бухородаги «Жайрон» экологик маркази Хитой, Мўғулистон, Россия, Англия, Франция, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Янги Зеландия ва АҚШ олимларининг эътиборига тушган.

Ташкил топганига ўттиз уч йилдан ошган бу экомарказ Бухоро шаҳридан қирқ икки чақирим олисда — Қоровулбозор қумликларига туташ Моможурғоти платоси этагида жойлашган. 16514 гектар майдонни эгаллаган экомарказ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфига олингач, атрофи сим тўр билан ўралди. Ҳозир бу масканда 600 дан зиёд жайрон, 20 бошдан ортиқ Прежевальск отлари, 60 бошга яқин қулон ва бошқа бир неча турдаги камёб жониворлар давлат муҳофазасига олинган.

— Ҳаётим шу марказ билан боғлиқ, — дейди кекса олима Наталья Солдатова. — Бу ерда ишлаш умримга мазмун бағишлайди. Биз она табиатнинг асллигини ҳимоя қиламиз, унинг гўзаллигини асраймиз. Масалан, Бухоро жайронларини олинг, уларнинг жозибаси бўлакча. Жайронлар ҳаёт тарзига бағишланган қатор илмий рисолалар эълон қилдим.

Экомарказ давлатимиз эътиборида. Вазирлар Маҳкамасининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида»ги қарори асосида экомарказ ҳудуди Бухоро тумани захира ерлари ҳисобидан 24 минг гектарга кенгайтириладиган бўлди. Жумладан, ўтган йили 936 гектар ер «Жайрон» экомаркази ихтиёрига берилди.

— Бундай эътибор, — дейди экомарказ директори Эркин Йўлдошев. — Истиқболдаги илмий-тадқиқот ишларимизда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, экотуризм янада ривожланади. Ҳозир янги майдонларда жониворларни кўпайтириш, уларнинг яйраб юришлари учун шароит яратаяпмиз. Бу иш «Шўртан газкимё» мажмуаси ҳомийлигида амалга оширилянпти. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати эса янги ҳудудда барпо этилаётган иншоотларни сув билан таъминлашни ўз зиммасига олган.

Яна бир жиҳат. Экомарказ бунёд этилаётган янги мажмуада келажакда чўл ҳудудларидан ушланган қулон, жайрон, Прежевальск отлари ва бошқа камёб ҳайвонлар 3-5 ой муддатда парвариш қилинади, сўнг улар кўпайиши учун экомарказ ҳудудига қўйиб юборилади. Бу борада экомарказ жамоаси аниқ режа ва тадбирга эга. Жумладан, тегишли ҳудудлардаги биологик станцияда олимлар ва талабаларнинг илмий изланишларига хизмат қиладиган жойлар ташкил этиш, сайёҳлар учун ҳамма қулайликлар яратишга ҳозирдан киришилди. Бунинг учун БМТнинг Тараққиёт дастури доирасида 50 минг доллар ажратилган. Ҳозир эса «Янги ер — янги ҳаёт» деб номланган махсус лойиҳа асосида иш олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси табиатда мавжуд бўлган гўзал ва беозор жониворларни асраш ва кўпайтиришга хизмат қилади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

— Мулоҳаза —

Уяли телефонлардаги ҳаёсизликлар

ёки у орқали тарқатилаётган таги зил ҳазиллар оқибати хусусида

Уяли телефон воситаси узоғимизни яқин қилди. У бизнинг дастёримизга, рўзғоримиздаги энг керакли буюмлардан бирига айланди. Бу замонавий алоқа турининг фойдаси ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин қулайликдан бошқа мақсадда фойдаланаётганлар, уни зарарли воситага айлантираётганлар ҳам бор.

— Баъзи ёшларнинг қўлидаги телефонларда вахшийликни тарғиб қилувчи тасвирлар борлиги кишини ташвишлантиради, — дейди Денов туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби директори Файзулла Жўраев. — Бундан ташқари, ярим ялонғоч йигит-қизлар сурати туширилган ҳолатлар... Бири «жилпанглаб» танасини кўз-кўз қилса, бошқасининг «қийшанглаши» ундан ўтиб тушади. Миллий қадриятларимизга, ахлоқимизга зид бўлган бундай номаъқулчилик маънавиятимиз ва соғлом турмуш тарзига таҳдид эмасми? Бунга бефарқ қараш мумкинми? Назаримда, ота-оналар фарзандларини бу борада жиддий назорат қилиши керак.

Бу — ёшлар билан боғлиқ муаммо. Лекин катта ёшдагилар ўртасида ҳам бундай номаъқулчиликлар учраб туради.

«Телефондаги қаттиқ ҳазил туфайли оиламдан ажралишимга бир баҳя қолди, — дейди олтинсойлик Б. исмли танишим. — Кунларнинг бирида меҳмонлар ва бола-чақа билан кечки овқатга ўтиргандик. Қўнғироқ бўлди... Яқин дўстимнинг телефон рақами эди. Овозини баландлатиб, зарур тугмасини босдим:

«Алё, жоним, кўринмай қолдингиз...»

Аёл кишининг овозидан талмовсираб қолдим. Ахир бу дўстимнинг рақами бўлса?! Фарзандлару меҳмонлар ҳам бирдан ҳушёр тортди. Хотин эса ғазаб отига минди. Қани энди савилнинг овозини ўчиришни билсам.

Нотаниш «танишим» эса дўстимнинг телефонида жавращда давом этарди:

«Соғинтириб қўйдингиз-ку, шакарим! Тунов куни учрашувга келмадингиз? Ахир мен сизни жонимдан ҳам ортиқ суйсам... Ёки ойимчангиз рухсат бермадиларми? Эртага учрашайлик, асалим, хўпми?! Соат нечада, дейсизми? Йўқ, тушликда бўлмайди, яхшиси, кечқурун қўнғироқлашамиз...»

Бўлди жанжал, бўлди тўполон. Хотиним кўч-кўронини йиғиштиришга тушди. Меҳмонлар олдида изза бўлганимни айтмайсизми?

Эртасига дўстим телефонига «ўрнатган» «Танишайлик ихтиро»сини ошкор қилди. Шундан кейин хотин ҳовуридан тушди. Бу воқеа бироз унут бўлган бўлса ҳам, эл оғзида «соткачи» лақабини олдим».

Бугун «Телефонингизга расм, ҳазил, турфа фильмлар ёзилган «диск»дан кўчириб беришим мукин, ака», дейдиган эпчиллар кўчада кўпайиб қолди.

Бир куни ҳазиллар сотиш билан шуғулланувчи йигит шундай вайсашлардан янгисини қўйиб берди. Уни сўзма-сўз келтирамиз: **«Ако, қарзни қачон берасиз? Олганингизга ҳам икки ой бўлди-ёв... Лафингиз борми, ўзи? Йигитнинг сўзи битта бўлади-да. Қанақа қарз, дейсизми? Бугун бир қиз билан учрашувим бор, деб 50 минг сўм олгандингиз-ку. Ёки янгамуллога айтайми? Нима, қарз-парзингиз йўқ?! Бўлди, гап тамом. Ҳозироқ уйингизга бораман! Э-э, сени...»** (Кейинги бепарда сўкинишларни эшитган тўнғиз ҳам тул ташлаб юборади).

Бундай «ўйин»лардан бехабар киши «суҳбатдош»нинг саволларига ҳамоҳанг жавоб қайтараверади. Махсус ўрнатилган «диск» эса асабни қақшатади, қон босимини кўтаради.

Энг ёмони, ҳатто баъзи алоқа компаниялари SMS орқали ўз мижозларига «Дўстингизни лақиллатинг» деб хизмат турларини таклиф қилишмоқда.

Уяли телефонларда асаббузар, маънавиятга зид, бемаъни ҳазиллар тур-тури билан ортиб бораётгани ташвишли ҳолдир. Кўча-кўйдаги «учар» сотувчилар эса бундай бемазагарчиликларни пуллаш билан овора. Уларни махсус идоралар назорат қилсин, дейиш билан чекланиш тўғри эмас. Бундай иллатларга қарши жамоатчилик ёрдами тарғибот-ташвиқот ишлари орқали курашиш кутилган самарани бериши мумкин.

Фарзандларимизни одобли, маънавиятини юксак қилиб тарбияласа, нима фойдалию нима зиёнлигини ўргатсак, бундай номаъқул, қиликлар камаяди, «учар»ларнинг бозори эса касодга учрайди. Халқда ҳазилнинг таги зил, деган мақол бор. Уяли телефонлар орқали уюштирилаётган бемаъни ҳазиллар оқибати эса янада хунук тус олиши мумкин. Энг ташвишлиси, бундай ҳаёсиз гап-сўзлар, «ҳазил»лар ёшларимиз тарбиясига ўта салбий таъсир қилади. Аслида ўзини ҳурмат қилган одам бундай ахлоқсиз ишлар билан шуғулланмайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

Вниманию организаций и предприятий!

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР НЕЙРОХИРУРГИИ МИНЗДРАВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЙ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **«Капитальный ремонт корпусов медсанчасти Ташкентского тракторного завода, для размещения Республиканского научного центра нейрохирургии». Реконструкция помещений блока «Г» для размещения ангиографа.**

Стартовая стоимость заказчика: 192 172 000 сум с учетом НДС.

Срок завершения строительства — 60 дней.

Заказчик: Республиканский Научный Центр нейрохирургии Минздрава Республики Узбекистан расположенный по адресу: г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район массив Хумаюн, 40.

Финансирование осуществляется за счет средств Госбюжета.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — **ООО «Эксперт-лойихаконсалтинг» по адресу г.Ташкент, ул. Навоий, 22.**

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — сто тысяч сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: *г.Ташкент, ул. Навоий, 22, тел. 8(371) 241-37-50.*

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт по ниже указанному адресу: г.Ташкент, ул.Навоий, 22.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании Республиканский Научный Центр нейрохирургии Минздрава Республики Узбекистан по адресу:

г.Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, массив Хумоюн, 40.

Қиғир иш

Сохта диплом

Бахтиёр Отамуродов Боғот тумани «Маданият» қишлоғидаги 33-мактабда ўн саккиз йилдан буён жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишларди.

У аввалига оддий ишчи эди. Кейин... 1991 йили Урганч давлат педагогика институтида сиртдан ўқиётгани ҳақида маълумотнома келтиради. Бироздан сўнг эса жисмоний тарбия ўқитувчиси мақомини олади.

Ўша вақтда мактаб директори бўлган С.Саидниёзовнинг судда гувоҳлик беришича, «1994 йил сентябрь ойида Б.Отамуродов Физкультура институтини 1989-1994 йилларда сиртдан ўқиб тамомлагани ҳақида диплом тақдим қилган». Қизиғи, уч йил олдин тамомила бошқа олийгоҳда ўқиётгани ҳақида маълумотнома келтириб иш бошлагани, йилда икки марта ўқиш ва имтиҳон топшириш учун меҳнат таътилига чиққани... ва кутилмаганда бошқа олийгоҳ дипломини тақдим қилгани директорни мутлақо қизиқтирмаган. Лекин барибир қаллоблик ошкор бўлди. Дарҳақиқат, ҳамманинг кўзига парда тутиб бўлмайди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти томонидан тақдим қилинган маълумотномада бундай исм-шарифли шахс 1989-1994 йилларда мазкур олий ўқув юртида таҳсил олмагани қайд қилинган. Бу ҳолатга судда Б.Отамуродов шундай аниқлик киритди: «1994 йилда Урганч давлат педагогика институтидан академик таътил олдим. Ёз ойларида пойтахтда ўқиётган синглимдан хабар олишга борганимда темир йўл вокзалида нотаниш бир шахс «Диплом керакми?» деб сўради ва бир даста турли олийгоҳлар дипломларини кўрсатди. Улар орасида менинг ихтисослигимга тўғри келадигани йўқ экан. У керакли дипломни топиб беришга ваъда қилди ва анкета маълумотларимни ёзиб олди. Эртасига шу ерда учрашдик ва менга тайёр дипломни тутқазди. Мен эса келишилган пулни бердим...»

Б.Отамуродов Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, яъни ҳужжат қалбаки эканлигини билатуриб, ундан фойдаланган учун жазога тортилди. Қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, айбига пушаймонлиги боис унга нисбатан енгил жазо қўлланилди.

Қаллоблик ёмон. Б.Отамуродовнинг алдови уни собиқ жамоаси ва ўқувчилари олдида беобрў қилди. Дарҳақиқат, тўғри йўл қолиб, эгрисини танлаш ҳеч қачон ҳеч кимга обрў олиб келмаган.

Муаллимлик — муқаддас касб. Уни сохта қоғозлар орқали сотиб олиб бўлмайди. Буни юқоридаги мисол ҳам исботлаб турибди.

Отагалди БОБОЖОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди раиси.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси ЎзА Бош директорининг ўринбосари Қулмон Очиловга онаси **Пардахол момо**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Guliston da — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
14810 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.40
Topshirilgan vaqti — 01.30
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda